

ҚИЗИҚ ҲАВАҲИ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (БОЛЬШЕВИК) ЛАР ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 39 (7486)

17
ФЕВРАЛЬ
Ж У М А
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЯНИ.

Коммунистлар партияси ССР Иттифоқи Олий Советига бўладиган сайловларда сайловчиларни коммунистлар блан партия- сизлар сталинча блокнинг номзодлари учун овоз беришга чақи- ради. Партия барча сайловчилар коммунистлар партиясининг партиясизлар блан биргаликда нўрсатган номзодларини ССР Иттифоқи Олий Советига бу сафар ҳам худди бир кишидек бўлиб яқдиллик блан сайлайдилар, Ленин — Сталин партиясига бу сафар ҳам буюк ишонч билдирадидилар, деб умид қилади.

(Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитетининг мурожаатидан).

Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик) лар партияси Марказий Комитетининг барча сайловчиларга, ишчиларга, деҳқонларга, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчиларига, совет зиёлиларига

М У Р О Ж А Т И

Ўртоқлар!
Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари 1950 йил 12 мартда ССР Иттифоқи Олий Советига депутатлар сайлайдилар.

Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси 1937 ва 1946 йиллардаги сайловларда бўлгани каби, бу сайловларда ҳам, партиясиз ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар блан ягона блок, мустақкам иттифоқ бўлиб қатнашади. Коммунистлар блан партиясизлар блоки ўзининг улугвор кучини кўрсати. Бу блок табиий ва ҳаётий иш бўлиб, совет халқининг мустақкам маънавий-сиёсий бирлигини ифода қилади. Совет Иттифоқининг граждандари ўтган сайловларда ана шу сигналдан блокнинг номзодлари учун яқдил бўлиб овоз бериш блан большевиклар партиясининг сиёсати учун, социалистик давлатимизнинг қудратини янада мустақкамлаш учун овоз берган эдилар.

Партия ўтган сайлов кампанияларидагидек бу сайловларда ҳам касба союзулари, комсомол ва меҳнаткашларнинг бошқа ташкилотлари ҳамда жамиятлари блан бирга қатнашади. Депутатликка кўрсатилган номзодлар коммунистлар учун ҳам, партиясизлар учун ҳам умумий бўлади.

Коммунистлар партияси ССР Иттифоқи Олий Советига бўладиган сайловларда сайловчиларни коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокнинг номзодлари учун овоз беришга чақиради. Партия барча сайловчилар коммунистлар партиясининг партиясизлар блан биргаликда кўрсатган номзодларини ССР Иттифоқи Олий Советига бу сафар ҳам худди бир кишидек бўлиб яқдиллик блан сайлайдилар, Ленин—Сталин партиясига бу сафар ҳам буюк ишонч билдирадидилар, деб умид қилади.

Коммунистлар партияси сайловчиларнинг бундай ишонч ва қўллаб-қувватлашига шунинг учун ҳам умид боғлайди ва ишондики, совет кишилари кўп йиллик таърибларидан ас халқ манфаатларига муносиб бўлган партия сиёсатининг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Партиянинг бутун фойдали ташаббуслари ҳидокорона хизмат қилишдан иборат, партиянинг халқ манфаатларидан ҳам юксак манфаатлари йўқ.

Большевиклар партияси мамлакатимиз халқларини 1917 йил октябрда оламшумул тарихий ғалабага, совет ҳокимиятини барпо қилишга олиб келди, интервенция ва ички контрреволюцияни тор-моқ қилишни ташкил этди. Совет халқи Ленин—Сталин партиясининг раҳбарлиги остида социалистик жамият қурди, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини абадий тугатди, ижтимоий ва миллий эркинликни йўқотди, бадавлат ва маданий ҳаёт кеңириш учун бутун шаронини вужудга келтирди. Улуг социалистик ўзгаришлар натижасида Совет Иттифоқи санатлашган-колхозлашган қудратли давлатга айланди. Совет халқи Улуг Ватан уруши йилларида коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида, ўртоқ Сталиннинг доно етакчилигида социализмнинг улуг ғалабаларини немис ва япон империалистларидан сажлаб қолди, бутун дунё халқларини фашизм асоратига тушиш хавфидан қўтқариб қолди. Совет халқи урушдан кейинги даврда коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида янгидан-янги катта муваффақиятларни қўлга киритди.

Совет халқи ўз кураши ва ўз ишларининг натижаларига қонуний фахрлини туйғуси блан назар солганда, совет кишилари мамлакатимизнинг коммунизм йўлидан тобора олға ҳаракат қилиб боришида муваффақият қозонишига қатъий ишондилар. Эндликда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидек мустақкам давлат ҳеч бўлмади йўқ. Совет ижтимоий ва давлат тузуми жамият ташкилотининг энг яхши шакли, дунёда яшашга энг қобилиятли тузумлар.

Ватанимиз ўзининг бутун тарихида ҳозиргидек адолатли, яхши белгиланган давлат чегараларига илгари ҳечқачон эга бўлмаган эди. Совет Украинаси бутун украин халқини бир оила қилиб бирлаштирди. Белорус халқи Советлар байроғи остида бирлаштирилди. Молдаван халқи ягона совет республикасига уюнди. Кўп асрлар мобайнида Ватанимизга ҳужум қилиш учун плацдарм бўлиб келган Шарқий Пруссия эндиликда йўқ. Мудофаани мустақкамлаш манфаатлари кўёда-тўёда, Ленинград яқинидаги янги негарадар мустақкамланди. Узоқ Шарқдаги чегараларимизнинг мудофааси кучайтирилди.

Совет халқи социалистик давлатимизнинг ана шу оламшумул тарихий муваффақиятларига коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида, меҳнаткашларнинг улуг йўлбошчиси ўртоқ Сталиннинг раҳбарлиги остида эришди. Ленин—Сталин партияси мамлакатимиз халқлари тинч меҳнатининг таянчи бўлган совет социалистик давлатини бундан кейин ҳам мустақкамлашни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди.

Сайловчилар коммунистлар блан партиясизлар блокнинг номзодлари учун овоз бериш блан, социалистик Ватанимизни бундан кейин ҳам овоз ва қудратли қилиш, совет давлатимизни кучли ва енгилмас давлат қилиш учун овоз берган бўладилар.

Немис-фашист босқинчилар юзларча ва мингларча шаҳар ва қишлоқларни, корхоналарни, колхоз ва совхозларни вайрон қилиб, халқ ҳўжалигимизга жуда катта зарар етказдилар. Бошқа ҳарқандай капиталистик давлат, ҳатто энг йирик капиталистик давлат ҳам бундай зарарни кўрганида муқарар суратда неча ўн йиллаб орқага суриб ташланган бўлар эди, иккинчи даражали давлат ҳолига тушиб қолиши турган ган эди.

Совет давлати бундай аҳволга учрамади. Иш-лабчиқариш анархияси, кризислар, ишсизлик даҳ-

шатлари, омманинг қашшоқлигидан ва капитализмнинг бошқа жароҳат ва иллатларидан халос бўлган СССРнинг социалистик экономикаси капиталистик экономикага нисбатан бениҳоя устундир. Большевиклар партияси совет социалистик тузумининг қудратли кучларини эътиборга олиб, урушдан кейинги даврда халқ ҳўжалигини тиклаш ва ривожлантириш ҳамда совет маданиятини янада яшнатишнинг фойда тасуратларини белгилади.

Партия ва халқнинг улуг йўлбошчиси ўртоқ Сталин 1946 йил 9 февральда сайловчилар йиғилишида сўзлаган тарихий нутқидан коммунистлар партиясининг яқин орадаги иш планларини чизиб берди. Бу план мамлакатнинг зарар кўрган районларини тиклаш, санат ва қишлоқ ҳўжалигини урушдан илгариги даражага етказиш ва сўнгра бу даражадан анча ўзиб кетишдан иборат. Ўртоқ Сталин санатимизни, масалан, урушдан илгариги даражага нисбатан уч ҳисса юксалтириш учун халқ ҳўжалигини зўр бериб ривожлантириш юзасидан узоқ вақтга чамаланган программани чизиб берди ва мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш йўлини белгилаб берди.

Коммунистлар партиясининг чақирғи блан бутун мамлакатда бешйиллик планини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси кучайиб кетди. Совет кишиларининг ижодий ташаббуси, уларнинг ўз социалистик Ватанинг фидокорона садоқати янада жуда яққол кўринди.

Совет халқи социалистик ҳўжалик ва маданиятининг ҳамма соҳаларида янада зўр юксалдишга эришди. Империалистлар, инсониятнинг душмани бўлиш фашизм устидан ғалаба қозониш учун кўп қурбон берган Совет Иттифоқи урушдан кейинги қурилушнинг қийинчиликларини йўқотолмайди, деб ўйлаган эдилар. Империалистларнинг бундай умидлари кул қилиб қўнка совурилади.

Урушдан кейинги йилларда санатимиз тўхтовсиз ўсмоқда ва мустақкамланмоқда, санатимизнинг эришган муваффақиятлари барча совет кишиларини қувонтирмоқда. Капиталистик мамлакатларда авж олаётган иқтисодий кризис белгилари тобора яққол кўринаётган, санат ишлабчиқариши ҳамма камайиб, ишсизлар кўпайётган бир пайтда, урушдан кейинги бешйилликнинг ўтган даврида совет санати ишлабчиқарган ялли маҳсулот ҳар йили 20 процентдан ва ундан ҳам кўпроқ орта борди. 1949 йилда СССРдаги бутун санатининг ялли маҳсулоти урушдан аввалги 1940 йилги санат маҳсулотидан 41 процент кўпайди. Ўтган йилнинг охирига келганда, санатининг ишлаб чиқарган ялли маҳсулоти бешйиллик планда 1950 йилга мўжалланган миқдордан ортиб кетди. Илгари душман оккупациясида бўлган районларда санат ишлабчиқариши урушдан аввалги даражага етди. Бизнинг мамлакатимизда темир йўл, сув, автомобиль ва ҳаво транспорт тез ривожланиб бормоқда.

Корхоналаримизда янги илгөр техника жорий қилинмоқда, кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишлар кенг миқёсда машиналаштирилмоқда, ишлабчиқариш процесслари автоматлаштирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси совет кишининг меҳнатини анча енгиллаштиради, унинг меҳнат унумини оширади, маҳсулотни кўпроқ ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг сиёратини яхшилаш ва таннарини камайтиришни таъмин этади.

Совет халқи социалистик санатини тиклаш ва янада ривожлантириш учун курашда ана шу катта муваффақиятларга коммунистлар партиясининг доно раҳбарлиги остида, улуг йўлбошчиси ва устозимиз ўртоқ Сталиннинг гениал етакчилигида эришди.

Коммунистлар партияси барча меҳнаткашлар блан биргаликда бундан кейин ҳам СССРнинг социалистик санати ва транспортини доим юксалтириш учун курашади.

Сайловчилар коммунистлар блан партиясизлар блокнинг номзодлари учун овоз бериш блан, социалистик санатимизни янада юксалтириш учун, социалистик ҳўжалигимизни тобора юксак суратлар блан тараққий этдириш учун овоз берган бўладилар.

Мамлакатимизнинг социалистик қишлоқ ҳўжалиги урушдан кейинги тараққий шаронтида буюк ҳаётий кучини яна бир марта кўрсатди. Бизнинг қишлоқ ҳўжалигимиз Совет ҳўкуматининг катта ёрдами натижасида ва колхозчи деҳқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли, уруш оқибатларини муваффақиятли суратда бартараф қилди ва тўхтовсиз юксалиб бормоқда. 1949 йилда социалистик қишлоқ ҳўжалигининг ялли маҳсулоти урушдан аввалги 1940 йилдаги миқдордан ортиб кетди. Қишлоқ ҳўжалигида доим муаммоси ҳал этилди, доим экинларнинг ялли ҳосили 7,6 миллиард пудни ташкил этади ва урушдан аввалги 1940 йилги миқдордан ортиб, бешйиллик планда 1950 йилга мўжалланган миқдорга етай деб қолди. Пахта, энгир, кунгабоқар, картошка ҳосили ва ялли маҳсулоти ҳам урушдан аввалги миқдордан ортди. Жамоат чорвачилигини тиклаш ва ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Ҳозирги вақтда колхозларнинг ихтиёрида урушдан аввалги 1940 йилдагидан кўпроқ жамоат маҳсулдор чорва моллари бор.

Табиатни ўзгартиришдан иборат буюк сталинча план муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда. 1949 йилда колхоз ва совхозлар дарҳат ўтқизиш планини қарий икки марта ошириб бажардилар. Совет деҳқонлари жамоат чорвачилигини ривожлантириш уч йиллик планини бажариш учун

зўр ғайрат блан курашмоқдалар. Қишлоқ ҳўжалигини техника воситалари блан йил сайн кўпроқ таъминланмоқда. Колхозларимиз, МТС ва совхозларимиз 1949 йилдаёқ урушдан аввалги 1940 йилдагига нисбатан уч—тўрт марта ортиқ трактор, автомобиль ва қишлоқ ҳўжалик машиналари олдилар. Совет қишлоқлари кенг миқёсда электрлаштирилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалик меҳнати санат меҳнатининг бир хилга айлана бормоқда. Шаҳар блан қишлоқ ўртасидаги илгариги қарама-қаршилик йўқоломоқда.

Халқимиз қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, совет қишлоғида социалистик ҳаёт қуриш соҳасида бундай катта муваффақиятларга улуг Ленин—Сталин партиясининг раҳбарлиги остида эришди.

Коммунистлар партияси социалистик қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш, колхозларимизни, машина-трактор станцияларимизни ва совхозларимизни мустақкамлашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Шунга эришмоқ керакки, деҳқончилигимиз доим, техника ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларидан доим мўл ҳосил етиштирсин, жамоат чорвачилигини янада тезроқ ривожлансин, колхозларнинг социалистик мулки янада кўпайсин, колхозчилар бадавлат ва маданий ҳаёт кеңирсинлар.

Сайловчилар коммунистлар блан партиясизлар блокнинг номзодлари учун овоз бериш блан, мамлакатимизда колхоз тузумини янада яшнатиш учун, мамлакатда аҳолига керакли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини, санатга керакли хомашёларни мўл-кўл қилиш учун, социалистик қишлоқ ҳўжалигида янги муваффақиятларга эришиш учун овоз берган бўладилар.

Халқ ҳўжалигининг доим ўсиш асосида мамлакатимиз меҳнаткашларининг фаровонлиги ҳам тўхтовсиз ошмоқда. Ҳаётимиз кун сайн бой ва бадавлат бўлиб бормоқда.

Капиталистик мамлакатларда қашшоқлик ва ишсизлик авж олиб, меҳнаткашларнинг турмуши ҳалокатли суратда оғирлашган бир пайтда, Совет Иттифоқида меҳнаткашларнинг моддий аҳволи тўхтовсиз яхшиланиб, маданий савияси тобора ошмоқда. Социализмнинг капитализмдан фарқи шундаки, социализмда давлат халқнинг моддий аҳволини яхшилаш тўғрисида ҳамма раҳмхўрлик қилади, бундай раҳмхўрлик бўлмаса, социализм амалга ошмайди. Социалистик жамиятнинг тараққий-тининг энг муҳим қонуни шундир. Совет кишилари ишсизлик даҳшатларини ва бу ишсизлик орқасида келиб чиқадиган кулфатларни билмайдилар; мамлакатимизда ишчи ва хизматчилар сон тобора кўпаймоқда.

Совет Иттифоқининг 1949 йилдаги миллий даромади 1940 йилдаги миқдордан 36 процент ортди. Мамлакатимиздаги миллий даромадининг тўхтовсиз кўпай бориши ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг моддий аҳволини анча яхшилашга имкон берди. Ишчи ва хизматчиларнинг даромадлари, ишлаб турган бир киши ҳисобидан олганда, таққосланган нарҳларда 1949 йилда 1940 йилдагига нисбатан 24 процент ортди. Деҳқонларнинг даромадлари ҳам 30 процентдан зиёд ортди.

1947 йилда Совет Иттифоқида пул ислохоти ўтказилди ва озиқ-овқат ҳамда санат молларига бўлган қарточка системаси битирилди. Шу блан бирга, кенг истеъмол молларининг чакана нарҳлари камайтирилди. Бунинг натижасида аҳоли бир йил ичнда салкам 86 миллиард сўм фойда қилди. 1949 йил 1 мартда нарҳларнинг иккинчи марта камайтирилгани натижасида аҳоли бир йил ичнда салкам 71 миллиард сўм миқдорда қўшимча фойда қилди. Нарҳларни камайтириш сиёсатининг нуттасиз амалга оширилиши натижасида совет пулининг харид қуввати ортмоқда, ишчи ва хизматчиларнинг реал ишҳақи тобора кўпаймоқда. Мол обороти системали суратда кенгайтирилмоқда, кенг истеъмол моллари кўпроқ ишлаб чиқариламоқда. 1949 йилдаёқ аҳоли энг муҳим молларни урушдан аввалдагига қараганда кўпроқ истеъмол қилди.

Мамлакатимизда уй-жой қурилиши кенгайиб кетди. Урушдан кейинги бешйилликнинг тўрт йили мобайнида шаҳарларда 72 миллион квадратметрдан ортиқ уй-жой тикланди ва янгилари қурилди; бу вақт ичнда қишлоқ жойларида 2 миллион 300 миңдан ортиқ уй-жой қурилди, ҳамма ерда касалхона, мағазин бинолари, болаларга хизмат кўрсатадиган муассасалар ва маданий муассаса бинолари қурилмоқда. Совет халқи медицина ёрдами билан бепул фойдаланимоқда. Меҳнаткашларга хизмат қиладиган санаториялар ва дам олиш уйлари кўпайтирилмоқда. Кўп болалар оналар, кекалар, уруш ва меҳнат инвалидларига кўпроқ ёрдам берилмоқда.

Халқимиз ўзининг моддий аҳволини яхшилаш соҳасидаги бу муваффақиятларга коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида, отамиз ва дўстимиз улуг Сталиннинг меҳнаткашларнинг эътиёжлари тўғрисида тинмай раҳмхўрлик қиладиганлиги туфайли эришди.

Коммунистлар партияси бундан кейин ҳам совет халқининг моддий аҳволини тобора яхшилаш учун курашади. Коммунистлар партияси СССРнинг миллий даромадини янада кўпайтириш, ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақини ошириш учун, меҳнат унумини ошириш ва маҳсулотнинг таннарини камайтириш йўли блан, кенг истеъмол моллари нарҳини тобора камайтириш учун курашади. Партия бундан кейин ҳам уй-жой қурилишини кенгайтириш, шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш

тўғрисида кун сайн раҳмхўрлик қилиш, мактаб ва касалхоналар, болаларга хизмат кўрсатадиган муассасаларнинг, коммунал ва маданий муассасаларнинг ишларини яхшилашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Сайловчилар коммунистлар блан партиясизлар блокнинг номзодлари учун овоз бериш блан, халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш учун, совет кишиларининг янада бахтли, бадавлат ва маданий ҳаёт кеңириши учун овоз берган бўладилар.

Коммунистлар партияси урушдан кейинги даврда илгари фашист ваҳшийлар томонидан вайрон қилинган мактабларни ва бошқа маданий муассасаларни тиклашни, СССРда маданиятни янада юксалтириш ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ўртоқ Сталин совет фани олдига яқин вақт ичнда чет эллардаги фан муваффақиятларига эришибгина қолмай, балки улардан ҳам ўзиб кетиш вазифини қўяди.

Кейинги сайловлардан бўйи ўтган тўрт йил ичнда мамлакатимизда минг-минглаб мактаб, кутубхона, клуб, театр, кинолар тикланди ва янгилари қурилди. Бошланғич, еттийиллик ва ўрта мактабларда, техникумларда ва бошқа махсус ўқув юртурларида 36 миллиондан ортиқ киши ўқимоқда. Умумий мажбурий еттийиллик таълим амалга оширилмоқда. Мамлакатдаги олий ўқув юртурларида 1 миллион 128 миң киши ўқимоқда. Булар урушдан аввалги студентлар сонидан 316 миң киши ортиқдир. Халқ манфаатларига хизмат қиладиган совет фани катта муваффақиятларга эришди. Совет олимлари атом қувватини ҳосил қилиш сирини билиб олдилар. Партия ва ҳўкумат совет фани новаторлари ҳақида зўр эътибор ва раҳмхўрлик қилмоқдалар. Совет фани новаторлари социалистик санат ва қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Барча совет республикаларида шаклан миллий ва маъмунал социалистик адабиёт ва сан'ат муваффақиятли суратда ривожланмоқда. Адабиёт ва сан'ат соҳасида ватанпарварлик рўҳидаги юксак гоёвий асарлар яратилди. Бу асарлар халқ манфаатларига хизмат қилмоқдалар, халқнинг коммунизм қуриш учун курашида ижодий ғайрати, қаҳрамонлиги ва фидокорлигини тасвир этмоқдалар.

Совет халқи бу муваффақиятларга коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида эришди. Коммунистлар партияси яқин йиллар ичнда совет маданияти соҳасида янада катта муваффақиятларга эришади. Партия совет фанининг янги муваффақиятларга эришуви учун, санат, транспорт, қишлоқ ҳўжалигида техникани тўхтовсиз тараққий этдириш учун курашади.

Сайловчилар коммунистлар блан партиясизлар блокнинг номзодлари учун овоз бериш блан, мамлакатимизда халқ маорифини янада юксалтириш учун, меҳнаткашларнинг маданий-техник савиясини тўхтовсиз ўстириш учун, совет фани ва маданиятини тобора яшнатиш учун овоз берган бўладилар.

Кўп миллатли социалистик давлатимизда яшовчи барча халқлар тараққийнинг умумий бир социалистик йўлидан бормоқдалар. СССРда социалистик интернационализм байроғи остида ривожланган халқларнинг улуг дўстлиги, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги ва бир-бирларига ёрдами — совет давлатининг энг муҳим ютуқларидан биридир. Утмишда эътилоб келган миллатлар совет халқларининг қардошлик оиласида сиёсий, ҳўжалик ва маданий жиҳатдан нислсиз юксалдилар. СССР халқларининг ўртоқ Сталин илҳомланган дўстлиги социалистик Ватанимиз қудратининг манбаларидан биридир.

Мамлакатимиз халқларининг дўстлиги Улуг Ватан уруши даврида янада кўпроқ мустақкамланди ва чинқиди. СССР да миллий масала ва миллатлар ҳамкорлиги масаласи кўп миллатли бошқа ҳарқандай давлатдагига нисбатан яхшироқ ҳал этилганлигини уруш бутун дунёга жуда яққол кўрсатиб берди.

СССРдаги социалистик миллатларнинг дўстлиги мустақкамланмоқда ва бир-бирларига ёрдам кўнаймоқда. Мамлакатимиздаги барча халқларнинг душман оккупациясида зарар кўрган республикаларга қардошларча ёрдам берганлиги—халқлар дўстлиги намуналаридан биридир. Урушдан кейинги сталинча бешйилликда умуман бутун Ватанимизнинг қудратини тобора мустақкамлаш манфаатлари ҳарбир совет социалистик республиканинг манфаатлари блан бирга қўшиб олиб борилмоқда.

СССР халқларининг бузилмас дўстлигини мустақкамлаш соҳасидаги буюк муваффақиятлар большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида қўлга киритилди.

Коммунистлар партияси бундан кейин ҳам СССР халқларининг сталинча дўстлигини мустақкамлайди. Бу дўстлик Ватанимиз енгилмаслигининг гарами, Совет Иттифоқи халқлари мустаққилиги ва янада тараққий қилишининг таянчидир. Мамлакатимизда халқлар дўстлиги яшар ва мустақкамланар экан, мамлакатимизнинг халқлари овоз ва енгилмас бўлиб қоладилар. Бу дўстлик яшар ва давом этар экан, бизга ҳечқандай душман қўрқинчилик эмас.

Сайловчилар коммунистлар блан партиясизлар блокнинг номзодлари учун овоз бериш блан, Совет Иттифоқи халқлари келгусида ҳам овоз ва енгилмас бўлишлари учун, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги тобора ўсиб мустақкамланиши учун овоз берган бўладилар.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

